

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5230100 – 4.03
201 8 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201 8 йил “25” 08

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим сохалари:	100000	–	Гуманитар
	200000	–	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим сохалари:	110000	–	Педагогика
	230000	–	Иқтисод
Таълим йўналишлари:	5111000	–	Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт)
	5230100	–	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Тошкент – 201 8

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201 8 йил "25" 08 даги 744 - сонли буйруғи билан фан дастурлари рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201 8 йил "18" 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|-------------------|---|
| Б.Д. Хажиев | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент. |
| Р.А. Юсупов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди. |
| Б. Э. Мамарахимов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. |
| Қ.Б. Шарипов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси. |

Такризчилар:

- | | |
|-------------------|---|
| Т. Т. Жўраев | – ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор |
| Х. П. Абулқосимов | – ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор |

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201 8 йил "28" 06 даги "12" -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ҳозирги кунда бутун дунё олимлари учун ҳозирги замон глобаллашув назарияларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда стратегияни белгилаш масалалари асосий вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Шу сабабли “Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг талабаларга ўргатилиши долзарб аҳамиятга эга. Ана шундан келиб чиқиб ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш кўп жihatдан иқтисодчиларнинг глобал иқтисодий ривожланиш, ғоялар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир.

“Глобал иқтисодий ривожланиш” фанини талабаларга ўқитишнинг асосий вазифалари талабаларни ҳозирги кундаги замонавий концепция ва ғояларнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва шу каби бир қатор назарий билимлар билан қуроллантиришдан иборат.

Ушбу фани ўрганиш жараёнида ўқитишнинг очиқ, муаммоли ва визуал маърузалар ўтказиш, инсерт, кластер ва ақлий ҳужум каби илғор педагогик ҳамда ахборот технологиялари қўлланилади.

“Глобал иқтисодий ривожланиш” фани иқтисодиёт таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг асосий билимларини шакллантириш асоси ҳисобланади. Мазкур фан ўқув режасидаги иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, иқтисодий трансформация назарияси, ижтимоий соҳа иқтисодиёти, иқтисодий таълимотлар тарихи, монетар сиёсат, давлатнинг иқтисодий сиёсати каби қатор фанлар билан яқин боғланган бўлиб, ўзининг предметини ўрганишда юқоридаги фанлар категориялари, муаммолари ва ютуқларидан фойдаланади.

Ушбу ўқув дастурида фанининг моҳиятини, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омилларини очиб берувчи энг асосий мавзулар ва муаммолар ўз аксини топган.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фани ўқитишдан мақсад – талабаларга глобал иқтисодий ривожланиш бўйича билимларнинг назарий асосларини, глобал иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, глобал даражада амал қилувчи иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, глобал даражадаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндошув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– глобал иқтисодий ривожланиш тушунчаси ва асослари, иқтисодий ривожланиш омиллари, иқтисодий ривожланиш назариялари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*

– глобал иқтисодий ривожланиш назариялари асосларини, иқтисодий ривожланиш қонунлари, асосий тушунчалар, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– талаба глобал иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий ривожланиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари)

1-мавзу. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг предмети ва вазифалари

“Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг предмети ва услублари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви объекти ва субъекти. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва даражалари. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувининг вужудга келиши ва ривожланишини шарт-шароитлари: технологик тараққиёт; капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви; халқаро бизнеснинг интеграциялашуви; жаҳон иқтисодиётининг эркинлашуви; халқаро молия институтлари фаолият доирасининг кенгайиши; глобал муаммолар томонидан хавфнинг кучайиши; миллий ва халқаро миқёсда сиёсий тизимларнинг ўзгариши. Глобаллашув тушунчасининг кенг ва тор маънодаги таърифи. Глобаллашув тушунчаларининг ривожланиш эволюцияси. Глобаллашув жараёни ва унинг чуқурлашув босқичлари: - интеграциялашув; – трансмиллийлашув; – глобаллашув. Глобаллашув турлари: сиёсий глобаллашув; иқтисодий глобаллашув; молиявий глобаллашув. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг намён бўлиш шакллари. Глобаллашув жараёнининг иқтисодий, сиёсий, техник, эркинлашув омиллари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг устувор йўналишлари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви даражалари: мегадаража; макродаража; мезодаража; микродаража. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кўрсаткичлари. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг умумиқтисодий ва мутахассислик фанлари билан боғлиқлиги, фанининг вазифалари.

2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашуви концепцияларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва йўналишлари

Глобаллашувга бағишланган илмий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Глобаллашув назарияларининг ривожланиш босқичлари: 1950-1990 йиллар (Р. Робертсон, М. Уотерс, Г. Тернборн, А. Зиновьев, И. Валлерстайн, Д. Мейер, Н. Луман). 1990-2000 йиллар (И. Валлерстайн, Г. Тернборн, М. Арчер, Р. Робертсон, М. Фезерстоун, А. Аппадурани, Б. Тернер, А. Зиновьев, Н. С. Мироненко). 2000 йиллардан ҳозирга қадар (М. Кастельс, Л.Г. Гринин, Р. Робертсон). Глобаллашув жараёнининг ривожланиши. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари: гиперглобал; скептик ва трансформацион. Гиперглобал илмий йўналиш вакиллари ҳисобланган К.Оман, Ф. Фукуяма ва Р. Райхнинг

иқтисодий қарашлари. Скептик илмий мактаб вакиллари С. Хантингтон, П. Хирст, Г. Томпсон, С. Краснерларнинг иқтисодий қарашлари. Трансформацион илмий мактаб вакиллари Дж. Розенау, Д. Хелд, А. Мак-Груларнинг илмий қарашлари. Рим клуби ва глобаллашув назарияларининг ривожланиши. Глобал иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари: “жаҳон тизимлари” назарияси (И. Валлерстайн); “умумжаҳон маданияти” назарияси (Р. Робертсон); “умумжаҳон бошқаруви” назарияси; “глобал капитализм” назарияси. “Вашингтон консенсус” ёки АҚШ иқтисодчиси Дж. Вильямсон томонидан ишлаб чиқилган “Жаҳон савдосини ислоҳ этишнинг 10 тавсияси”: 1. Бюджет камомадини минималлаштириш; 2. Корхоналарга бериладиган субсидияларни минималлаштириш; 3. Солиқ базаси кенг, солиқ ставкаси эса паст бўлиши зарурлиги; 4. Фоииз ставкалари ички молия бозорлари томонидан белгиланиши зарурлиги; 5. Ривожланаётган мамлакатлардаги алмашув курси экспортни рағбатлантириши зарурлиги; 6. Ташқи савдо тарифлари минимал бўлиши зарурлиги; 7. Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати қабул қилиниши зарурлиги; 8. Хусусийлаштириш ҳар томонлама рағбатлантирилиши зарурлиги; 9. Давлат томонидан тартибга солишни минималлаштириш; 10. Хусусий мулк ҳуқуқи кафолатланиши ва кучайтирилиши зарурлиги. Дж. Ю. Стиглицнинг иқтисодий қарашлари. “Трансформацион йўналиш”и тарафдорларининг илмий қарашлари. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви назарияларининг трансформациялашуви ва хусусиятлари.

3-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувининг ҳаракатлантирувчи кучлари, белгилари ва шакллари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув омиллари ва ривожланиш босқичлари

Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувини ҳаракатлантирувчи кучлари: капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви, хўжалик ҳаёти транснационаллашуви – йирик трансмилий компаниялар ва молия гуруҳларининг ривожланиши, жаҳон ва миллий даражадаги бозор рақобати, фан техника тараққиёти, технологик инновация тараққиёти, хўжалик ҳаётининг эркинлашуви, товар, хизмат ва капитал бозорларини тартибга солишнинг қисқариши. Жаҳон хўжалиги эркинлашуви жараёнининг кучайиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий механизмлари: 1. Жаҳон савдосида рақобатнинг кучайиши 2. Кўп миллатли ишлаб чиқаришнинг шаклланиши 3. Халқаро молия бозорларининг интеграциялашуви.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёнларининг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар: мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кескин кучайиши; миллий иқтисодиётлар иқтисодий очиклигининг жадал суръатлар билан ошиши; халқаро савдо ва капиталнинг мамлакатлараро ҳаракати асосида жаҳон иқтисодиётининг миллий иқтисодиётга таъсирининг интенсивлашуви. Халқаро меҳнат тақсимооти янги сифатининг шаклланиши; Жаҳон молия бозорининг миллий сегментлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши ва глобал молия бозори шаклланиши; инфомацион ва телекоммуникацион тараққиёт; трансмилий корпорациялар фаолиятининг глобал кенгайиши; ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти

мамлактларининг халқаро савдо, халқаро кредит, халқаро меҳнат миграцияси жараёнларига жалб этилиши; жаҳон иқтисодиёти субъектлари таркибининг кескин мураккаблашуви; жаҳон иқтисодиётига янги ривожланиб бораётган йирик шаҳарлар (альфа шаҳар) таъсири кучайиши (Нью-Йорк, Лондон, Токио). Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг белгилари: халқаро меҳнат тақсимотидаги сифат ўзгаришлари; ТМК каби жаҳон иқтисодиёти субъектлари миқёси ва таъсир йўналишининг ўсиши; халқаро ва миллий даражада иқтисодиётни тартибга солиш тизимининг ўзгариши; халқаро иқтисодий ташкилотлар тизми шаклланиши ва бажарадиган функцияларининг ўзгариши; халқаро иқтисодий алоқалар жаҳон хўжалиги ҳаракат қилишининг муҳим шаклига айланиши.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви белгилари. ТМКларни жаҳон иқтисодиётда етакчи роль ўйнаши. Жаҳон хўжалиги муносабатларининг ички иқтисодий муносабатларга нисбатан етакчилиги (устуворлиги). Глобал ахборот-технологик тараққиётни чуқурлашуви. Илмий-техника тараққиётини ишлаб чиқаришни интеграциялашувини ҳамма томонларига универсал, кенг қамровли таъсири. Стандартларни уйғунлашуви (технологик, экологик, статистик, бухгалтер, молиявий ва бошқалар). Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви қамровини турли шаклларда жаҳон миқёсида кенгайтиши ва интенсивлашуви. Капиталнинг интеграциялашуви шакл ва механизмларининг глобал миқёсда кенгайтиши. Халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг жаҳон иқтисодиётини глобал тартибга солиш ролининг вужудга келиши (Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқалар). Жаҳоннинг ҳамма муҳим иқтисодий минтақаларининг худудий интеграция билан қамраб олиниши. Жаҳон иқтисодиётда интеграцион жараёнларнинг жадал сураётларда ривожланиши. Глобаллашув жараёнининг ривожланиш йўналишлари: бозорлар ва товарлар глобаллашуви.

4-мавзу. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув муаммолари ва уларнинг гуруҳланиши

Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши. Сиёсий глобал муаммолар (тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва конверсия, маҳаллий урушлар ва низолар, халқаро терроризм, ёпиқ мамлакатлар). Иқтисодий глобал муаммолар (трансмиллий капитал, иқтисодий урушлар ва низолар, ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигининг кучайиши, демографик глобал муаммолар (ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлашлар, аҳоли ортиқчилиги, тараққий этган мамлакатларда аҳоли сони қисқариши, аҳоли қариши, миграция). Шимол-Жануб, халқаро қарздорлик, молиявий-иқтисодий инқирозлар, энергетика муаммоси ва бошқалар). Ижтимоий глобал муаммолар (аҳоли даромадларидаги табақаланишнинг кучайиши, ишсизлик ва қашшоқлик, тўйиб овқатланмаслик, касаллик ва наркоманияга қарши кураш, мегополислар, инсон салоҳиятини ривожлангириш муаммоси, озик-овқат, хавфсизлик, демографик ва бошқалар). Экологик муаммолар (глобал ифлосланиш, радиоактив ифлосланиш, кислота ёмғирлари, тупроқ эрозияси, ресурсларни чекланганлиги, иқлимнинг исиши,

озон қатлами емирилиши, экология ва барқарор ривожланиш, инсон хавфсизлигини таъминлаш муаммоси, жаҳон океани муаммоси ва бошқалар). Шимол-Жануб муаммоси. Камбағаллик муаммоси. Озиқ-овқат муаммоси. Демографик муаммо. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг цикллилиги тарихи ва унинг ривожланиш қонуниятлари. 1-цикл – XII аср ўрталари-XV аср охири. 2-цикл – XVI аср ўрталари-XVII аср иккинчи ярми. 3-цикл – XVIII аср. 4-цикл – 1840-1920 йиллар. 5-цикл – XX аср 60-йиллар охири-ҳозирга қадар. Халқаро савдонинг устун даражада ривожланиши. Глобализациянинг циклик ривожланиш қонуниятлари: халқаро савдонинг устун даражада ривожланиши; инфляция ва олтин нархининг циклик ўзгариши; фойда нормасини пасайиши ва нархнинг бараварлашуви. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви босқичлари: 1. 1980-1920 йиллар – хом ашё манбаларини эгаллаб олиш. 2. 1920-1970 йиллар – маҳсулот сотиш бозорларини эгаллаш. 3. 1970 йилдан ҳозирги кунга қадар – инвестиция таркибининг оптималлашуви, глобал ёки минтақавий халқаро иқтисодий интеграция афзалликларидан фойдаланиш, глобал рақобатбардошликни таъминлаш, сақлаш ва ошириш асосида жаҳонни тез ўсиб бораётган бозорларида ўрнини мустаҳкамлаш. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашувини қарама-қаршиликлари: мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи ўртасидаги қарама-қаршиликлар, мамлакатлар ва тегишли молия институтлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, айрим мамлакатлар билан ТМҚ ва жаҳон молия марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, йирик ТМҚ, ТМБ ва халқаро молия марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

5-мавзу. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви муаммоларининг оқибатлари ва хал этиш йўллари

Глобаллашувнинг афзалликлари. Глобаллашув – халқаро рақобатни кескинлаштириш омили сифатида. Транспорт ва коммуникация харажатларининг қисқариши. Миқёс самарасидан фойдаланиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида. Глобаллашув ўзаро манфаатли савдони ривожланишига сабаб бўлиши. Глобаллашув меҳнат унумдорлигининг ортиши ва жаҳон миқёсида инновацияни тўхтовсиз қўллаш имкониятини яратишидаги ўрни. Жаҳон миқёсида ЯИМни ҳажмининг ортиши ва жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсиши. Фан ва техника тараққиётининг жадаллашуви.

Глобаллашув оқибатлари: мамлакатлар иқтисодий ривожланиши жадаллашуви; жаҳон ҳўжалиги қатнашчилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви туфайли вужудга келадиган хавф-хатарлар: глобаллашув афзалликларининг турли мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланиши; жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида қайта ишлаш саноатида бандликнинг камайиши ва иқтисодиётда деиндустрлашиш хавфининг вужудга келиши; глобаллашув туфайли дунёнинг турли мамлакатларида малакали ва малакасиз ишловчиларнинг иш ҳақи даражасидаги фарқнинг ортиши ва ишсизликнинг ўсиши; иш ҳақи юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш қувватининг иш ҳақи паст бўлган мамлакатларга ўтказилиши; ишчи кучи мобиллигининг ортиши глобал

беқарорлик манбаи сифатида; оммвий урбанизация болан боғлиқ равишда глобал демографик, технологик ва таркибий ўзгаришларнинг халқаро кескинлик ва ихтилофлар вужудга келишига олиб келиши; глобаллашувнинг жаҳон экологик тизимига салбий таъсир кўрсатиши ва истикболда мамлакатлар ўртасидаги можоралар манбаига айланиши. Миллий иқтисодиётининг иқтисодий суверенитетини қисқартириб, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ва давлат томонидан тартибга солиш қисқаришига олиб келиши. Трансчегаравий муаммоларнинг интеграциялашуви. Жаҳон молиявий тизими беқарорлигининг ортиши ва унинг дунёнинг бир минтақасидан бошқасига тарқалиб глобал миқёсга эга бўлиши. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви афзалликлари туфайли олинадиган самара билан глобаллашувнинг ҳозирги модели ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви.

6-мавзу. Глобаллашув ва халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари

Глобал иқтисодиёт шаклланишида халқаро савдонинг ўрни. Глобал бозорлар шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари. Глобаллашув шароитида эркин савдо ва протекционизм савдо сиёсатларини ўртасидаги нисбат. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ташқи савдони тартибга солишни тариф ва нотариф усуллари ўртасидаги нисбат. Халқаро савдонинг географик ва товар таркиби ҳамда уларни диверсификациялаш йўналишлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро савдо миқёси, таркиби ва йўналишларига таъсири. Халқаро савдо динамикаси ва ўзгариш хусусиятлари. Халқаро савдода ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ташқи савдонинг аҳамияти. Халқаро савдо ривожланишида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли. Умумжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва ташқи савдо эркинлашувидаги фаолияти. Минтақавий иқтисодий интеграцион бирлашмалар доирасида халқаро савдони эркинлаштириш жараёнлари. Умумжаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон. Ўзбекистоннинг Халқаро савдо ташкилотига киришининг афзалликлари ва йўқотишлари.

7-мавзу. Глобал, минтақавий ва миллий молиявий бозорлари

Глобал молиявий бозорларнинг шаклланиши, глобал молиявий бозорларнинг амал қилиши ва уларни тартибга солиш воситалари. Халқаро молия ташкилотлари ва уларнинг халқаро молия муносабатларидаги ўрни. Халқаро валюта фонди ва халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш муаммолари. Халқаро молиявий муносабатларда ТМҚларнинг ўрни. Халқаро валюта фондининг вазифалари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш дастурлари. Минтақавий ва миллий молия бозорларини ривожланиши ва уларни тартибга солиш муаммолари. Глобаллашув шароитида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида давлат молия сиёсати. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида халқаро молия муносабатларининг ўрни. Ривожланаётган мамлакатларда молиявий тизимлардаги ислохотлар.

Ўзбекистон Республикаси молия бозори, ҳолати, ривожланиш тенденциялар ва ривожланиш истикболлари. Ўзбекистон Республикасини халқаро молия бозорига интеграциялашуви муаммолари.

8-мавзу. Глобаллашув шароитида ишчи кучи бозори ва миграцияси муаммолари

Жаҳон ишчи кучи бозори тушунчасининг моҳияти, шаклланиш сабаблари ва ривожланиш омиллари. Жаҳон ишчи кучи бозорининг ривожланиш босқичлари. Жаҳон ишчи кучи бозори: объектлари, субъектлари, амал қилиш механизми ва воситалари. Ривожланган мамлакатлардаги демографик вазият ва аҳоли қариши. Жаҳон ишчи кучи бозорининг асосий марказлари, ҳудудлари. Халқаро ишчи кучи миграцияси ва унинг асосий кўринишлари. Халқаро ишчи кучи миграциясининг таркиби, йўналишлари ва мигрантларни ўзига жалб қилувчи марказлар. Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишчи кучи миграциясининг динамикаси. Минтақалараро миграцион жараёнлар ва уларнинг устувор оқимлари. Пул ўтказмалари ва уларни ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётга таъсири. Ишчи кучи экспортининг экспортёр мамлакат иқтисодиётига таъсири ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. “Ақлнинг оқиб ўтиши”. Ишчи кучи миграциясини импортёр мамлакат иқтисодиётига таъсири. Глобал молиявий инқирознинг жаҳон ишчи кучи бозори миқёси ва таркибига таъсири. Халқаро ишчи кучи бозорини тартибга солишнинг халқаро ва миллий воситалари. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эллардаги фаолиятини ташкил этишни тартибга солиш масалалари.

9-мавзу. Глобаллашув шароитида трансмиллий корпорациялар

Трансмиллий корпорацияларнинг моҳияти, белгилари ва турлари. Трансмиллийлашув индекси ва уни ҳисоблаш услуби. Трансмиллий корпорацияларнинг халқаро рейтинги. Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон иқтисодиёти глобаллашувидаги ўрни. Трансмиллий корпорацияларнинг бошқарув тизими ва хорижий филиаллари. Жаҳон иқтисодиётида халқаро капитални тақсимлаш ва қайта тақсимлашда халқаро корпорацияларнинг ўрни. Халқаро корпорациялар. Миллатлараро корпорациялар. Трансмиллий корпорацияларнинг минтақавий ва тармоқ таркиби, ҳолати, ривожланиш тенденциялари. Глобал молиявий иқтисодий инқирознинг ТМҚлар фаолиятига таъсири. Трансмиллий корпорациялар ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви. Ўзбекистонда трансмиллий корпорациялар фаолияти. Ўзбекистонда молия саноат гуруҳларини тузиш истикболлари.

10-мавзу. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви шароитида иқтисодий хавфсизлик ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари

Миллий хавфсизлик тушунчасини моҳияти. Миллий хавфсизлик турлари ва уларнинг гуруҳланиши. Иқтисодий хавфсизлик ва унинг турлари. Ташқи ва ички хавфлар. Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари ва индикаторлари тизими. Молиявий хавфсизлик кўрсаткичлари ва мезонлари. Ижтимоий хавфсизлик кўрсаткичлари ва мезонлари. Озиқ-овқат хавфсизлиги. Ёқилғи хавфсизлиги кўрсаткичлари ва мезонлари тизими. Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ташқи омилларнинг ўрни. Ташқи иқтисодий фаолият ва миллий манфаатларга таҳдидлар. Хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ хавфсизлик ва мамлакат рақобатбардошлиги. Миллий ва халқаро рақобатбардошлик тушунчаларининг моҳияти. Миллий рақобатбардошлик кўрсаткичлари ва мезонлари. Иқтисодий рақобат муносабатлари кўринишлари. Микро, мезо, макро ва мега рақобатбардошлик. Мамлакатнинг рақобат устуликлари назарияси. Мамлакат рақобатбардошлигини аниқлаш усуллари. Глобаллашув шароитида мамлакат миллий рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Мамлакат рақобатбардошлигини оширишда таркибий ўзгартиришлар сиёсатининг ўрни. Ташқи иқтисодий алоқалар таркибини диверсификациялаш муаммолари. Мамлакатни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда миллий иқтисодиёт хавфсизлиги ўрнининг кучайиб бориши.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари.
2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашув ва хусусиятлари.
3. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашув ва товарларни глобаллашув.
4. Глобал информацион-технологик революцияни чуқурлашув.
5. Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши.
6. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашувини қарама-қаршиликлари.
7. Глобаллашувнинг афзалликлари.
8. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув туфайли вужудга келадиган хавф-хатарлар.
9. Глобал бозорларнинг шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари.
10. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини халқаро савдони миқёси, таркиби ва йўналишларига таъсири.
11. Умумжаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон.
12. Халқаро молия ташкилотлари ва уларни халқаро молия муносабатларидаги ўрни.
13. Ўзбекистон Республикаси молия бозори, ҳолати, ривожланиш тенденциялар ва ривожланиш истикболлари.
14. Пул ўтказмалари ва уларни ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётга таъсири.

Амалий машғулотлар мультимедиа курулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Фан бўйича курс иши (лойиҳаси) – Курс иши ўқув режада кўрсатилмаган.

VI. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари.
2. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув назарияларини трансформациялашуви ва хусусиятлари.
3. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашув жараёнларини вужудга келиш ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар.
4. Глобаллашув жараёнини ривожланиш йўналишлари: бозорларни глобаллашуви ва товарларни глобаллашуви.
5. Глобал информацион-технологик революцияни чуқурлашуви.
6. Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши.
7. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашувини қарама-қаршиликлари.
8. Глобаллашувнинг афзалликлари.
9. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашув туфайли вужудга келадиган хавф-хатарлар.
10. Глобал бозорларнинг шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари.
11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини халқаро савдони миқёси, таркиби ва йўналишларига таъсири.
12. Умумжаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон.
13. Халқаро молия ташкилотлари ва уларни халқаро молия муносабатларидаги ўрни.
14. Ўзбекистон Республикаси молия бозори, ҳолати, ривожланиш тенденциялар ва ривожланиш истикболлари.
15. Пул ўтказмалари ва уларни ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётга таъсири.
16. Трансмиллий корпорацияларни жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувидаги ўрни.
17. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг миллий рақобатбардошлигини ошириш омиллари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VII. Асосий ва кўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

Асосий адабиётлар

1. Mc Connell, Brue. Economics. 17th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014;
2. N.Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016;
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015;
4. Huwart, J.Y. and L. Verdier (2013), Economic Globalisation: Origins and Consequences, OECD Insights, OECD Publishing;
5. Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – T.: “Barkamol fayz media”, 2018. – 783 bet;
6. Мамбетжанов Қ.Қ. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт назарияси. Ўқув кўлланма. Т.:ТДИУ, 2015;
7. Под общей редакцией: В.Н.Зуева. Глобальное экономическое регулирование: учебник. М.: Магистр, 2013;
8. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. – Toshkent.: Baktria press, 2015. -584 b.

Кўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 46 б.;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь;
3. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5308-сонли Фармони Тошкент ш., 2018 йил 22 январь;
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи, 2017 йил 20 сентябрь;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони;
6. Инсон ривожланиши. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 б.;
7. Ўзбекистон рақамларда. 2017. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2017. - 134 б.

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали;
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;

3. www.press-service.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати;
4. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали;
5. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти;
6. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти;
7. www.minesonopoy.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий сайти;
8. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти;
9. www.pogma.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги сайти;
10. www.tdiu.uz – Тошкент давлат иқтисодиёт университети расмий сайти;
11. www.economist.com;
12. www.worlddeconomics.com;
13. www.tradingeconomics.com;
14. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике.

